


Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
2024 йил “28” Февраль да
1099 - сон билан рўйхатдан
ўтказилган



Ўзбекистон Америка футболли ва
флаг футболли
Федерациясининг 2023 йил
14 декабрдаги навбатдан ташқари
Конференциясида

“ТАСДИҚЛАНГАН”

**ЎЗБЕКИСТОН
АМЕРИКА ФУТБОЛИ ВА ФЛАГ ФУТБОЛ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
УСТАВИ**

Тошкент 2024 йил

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон Америка футбол ва флаг футбол Федерацияси (кейинги ўринларда — Федерация деб аталади) нодавлат ноижорат ташкилот ҳисобланиб, жамоат бирлашмаси ташкилий-ҳуқуқий шаклида жисмоний шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида Ўзбекистон Республикасида Америка футбол ва флаг футбол бўйича спорт турини ривожлантириш ва оммавийлаштириш мақсадида ташкил қилинган.

1.2. Федерация ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги, «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг нодавлат ноижорат ташкилотларининг фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда мазкур Уставга амал қилади.

1.3. Федерация ўз фаолиятини ошкоралик, бамаслаҳатлик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилиқ, ихтиёрийлик ва жамоат фикрини ҳисобга олиш тамойиллари асосида олиб боради.

1.4. Федерация Олимпия ҳаракатининг мақсад ва вазифалари принципларини тан олади ҳамда ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси ва бошқа жамоатчилик бирлашмалари билан ўзаро яқин ҳамкорликда юритади.

1.5. Федерация Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган вақтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.6. Федерация ўз номидан битимлар тузиши, мулкни сотиб олиши ва унга эғалик қилиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Федерация юридик шахс сифатида алоҳида мол-мулкка, ўзининг мустақил балансига, банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисоб ракамларга, ўз номи кўрсатилган муҳр, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ўз рамзий белгиларига эга бўлади.

1.8. Федерация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади.

1.9. Федерация белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси вилоятларида ўзининг ҳудудий бўлинмаларини (кейинги ўринларда бўлинмалар деб аталади) ташкил этади.

1.10. Тўлиқ расмий номи:

ўзбек тилида: Ўзбекистон Америка футбол ва флаг футбол Федерацияси;

Қисқартирилган номи: ЎАФФФФ

рус тилида: Федерация Американский футбол и флаг футбол
Узбекистан.

1.11. Федерациянинг доимий фаолияти юритувчи раҳбар органи жойлашган жойи: 111501, Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар, Гўйтепа маҳалласи, Тошкент йўли кўчаси 18-уй.

2. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Федерациянинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида Америка футбол ва флаг футбол спорт турини ривожлантириш ва оммавийлаштириш, шу жумладан ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

2.2. Федерациянинг асосий вазифалари:

Америка футбол ва флаг футбол спорт тури бўйича спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, Халқаро Америка футбол ва флаг футбол Конфедерацияси, Осиё Америка футбол ва флаг футбол Конфедерацияси, ва бошқа хорижий мамлакатлар миллий федерациялари билан халқаро спорт алоқаларини ривожлантириш ва ўтказиш орқали республикада тинчлик, дўстлик ва ҳамфикрлик ғояларини тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини ҳамда Америка футбол ва флаг футбол спортини оммавийлаштиришни тарғиб қилиш;

Америка футбол ва флаг футбол спорт тури бўйича юқори малакали спортчиларни тайёрлаш бўйича илғор услубиётларни ўрганиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси миллий терма жамоалари ва спорт ташкилотлари билан ишлашда ушбу услубиётларни умумлаштириш ва татбиқ этишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси спорт вазирлиги ҳамда Миллий Олимпия Кўмитаси билан биргаликда Америка футбол ва флаг футбол спорт турлари бўйича республика ва халқаро мусобақаларнинг йиллик режасини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларнинг ўтказилишини ташкиллаштириш;

Ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини республика ҳамда бошқа халқаро спорт ташкилотларида ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

Ўз аъзоларининг ахборот, илмий-услубий ва моддий-техник таъминлаш;

маҳаллий ва хорижий Америка футбол ва флаг футбол федерациялари, бошқа спорт ташкилотлари билан Америка футбол ва флаг футбол спорт турлари бўйича маданий-спорт тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш соҳасидаги чамбарчас ҳамкорлик ва алмашинувини амалга ошириш;

турли халқаро мусобақалар ва махсус ўқув-маънавий йиғинларида Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг иштирок этишига кўмаклашиш;

Америка футбол ва флаг футбол спорт турлари бўйича турли спорт тадбирларида иштирок этиш учун Ўзбекистон миллий терма жамоаларига номзодларни танлаб олиш мезонларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

республикадаги ўз устав мақсадлари ва вазифаларини бажариш доирасида республикада Америка футбол ва флаг футбол спорт турини ривожлантириш соҳасида мусобақалар, форумлар, конференциялар ва семинарларни ўтказиш.

Федерация Америка футбол ва флаг футбол спорт турини ривожлантириш бўйича ўзининг унумли фаолиятини амалга ошириш учун

моддий-техник базасини яхшилаш ва моддий пойдеворини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

2.3. Белгиланган вазифаларга эришиш учун Федерация қуйидаги ишларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикасида Америка футболли ва флаг футболли спортини ўқув дастурларини ҳамда шу спортга оид бошқа талабларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тадбиқ қилиб, амалда бажарилишини назорат қилишга кўмаклашиш;

мураббийлар, спортчилар ва Америка футболли ва флаг футболли спортли тадбирларни ўтказишга алоқадор мутахассислар орасидан ўзининг терма жамоасини ташкил қилади ва уларни ўқув-машқ йиғинларда республика ва халқаро мусобоқаларда қатнашишга тайёрлайди;

Америка футболли ва флаг футболли бўйича ягона миллий спорт меъёрий талабларини ишлаб чиқиш ва таклифлар киритишда иштирок этади; расмий эсдалик, тақдирланиш атрибутикасини ва бошқа Федерация рамзи туширилган махсулотларни тайёрлаш ва тарқатишни ташкиллаштиради;

Федерация аъзоларининг (спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассислар) спорт этикасининг ҳалол спорт кураш принципларини, рақибга нисбатан олийжаноб туйғуларни, дўстлик ва ўзаро тушуниш иродасини риоя қилишни ҳамда тақиқланган усул ва услубларни олдини олиш чора-тадбирларини ўтказиб боришни таъминлайди;

Энг яхши спорчиларни, мураббийларни, ҳакамларни ва бошқа мутахассисларни тақдирлайди;

Кўзланган мақсадга эришиш учун Уставда кўзда тутилган ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турларини белгиланган тартибда амалга оширади.

3. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Федерация қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз аъзолари ва қатнашувчиларининг ҳуқуқларини қўллашда манфаатларини давлат ва нодавлат ташкилотлари олдида ифода қилиш ҳамда ҳимоя қилиш;

- ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, семинарлар ва конференциялар ўтказиш;


- ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур Устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиб ва филиаллар ташкил этиш;

- ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;



- оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;
- ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;
- белгиланган тартибда халқаро ва маҳаллий спорт ташкилотлари, федерация ва ассоциацияларга кириш, улар билан тўғридан тўғри алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиш;
- Халқаро олимпия кўмитаси ҳомийлигида ўтказиладиган спорт буйича халқаро мусобақаларда иштирок этиш.

Федерация ўз фаолиятини молиявий таъминлаш учун доимий ва вақтинча жамоаларни шакллантириши мумкин, бунда бажариладиган ишлар учун тўловлар шартномавий асосда амалга оширилади.

3.2. Федерация куйидаги мажбуриятларга эга:

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига риоя этиш;
- рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаетган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;
- ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш, ихтиёрий хайрия грантлар ва бошқа маблағларни олиш;
- рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш.

4. ФЕДЕРАЦИЯДА АЪЗО БЎЛИШ ВА АЪЗОЛИК ШАРТЛАРИ БЎЛИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ, АЪЗОЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ



4.1. Федерацияда аъзолик ихтиёрий ҳисобланади.

4.2. Федерация аъзолигига Уставни тан оладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари қабул қилиниши мумкин. Федерация аъзолигига қабул қилиш якка ва жамоавий тарзда амалга оширилади.

4.3. Якка тартибда аъзоликка кириш жисмоний шахсларнинг аризасига мувофиқ, жамоавий тарзда эса жамоанинг аризасига асосан амалга оширилади. Якка ёки жамоавий тартибда аъзоликка қабул қилиш аризаси Федерация президенти номига ёзилади ва Федерациянинг Ижро кўмитаси томонидан тегишли қарор қабул қилинади.

4.4. Федерация аъзолигидан якка ёки жамоавий тарзда чиқариш масаласи Федерация Ижро кўмитаси йиғилишида кўриб чиқилади ва унинг қарорига асосан амалга оширилади.

4.5. Федерация аъзолари Федерация фаолияти ҳақида ёлгон маълумотлар тарқатиши, Федерация аъзолари ўртасида низо ва можаролар чиқариши, Федерация обрўсига путур етказадиган маълумотларни (шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали) тарқатиши ман этилади.

4.6. Федерация аъзолари тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Аъзоликка қабул қилиш ва ундан чиқариш масалалари Ижро кўмитаси йиғилиши қарорига асосан амалга оширилади.

4.7. Федерация аъзолари куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Федерация томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш;



- Федерация фаолияти ҳақида маълумот олиш;
- Федерациянинг раҳбар органларини сайлаш ва уларга сайланиш;
- Федерация раҳбар органларига унинг фаолиятига оид таклифларни киритиш ва уларни кўриб чиқишда қатнашиш;
- Федерациянинг моддий базасидан белгиланган тартибда фойдаланиш;
- ихтиёрий аъзоликдан чиқиш.

4.8. Аъзоларнинг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

- мазкур устав ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига амал қилиш;
- Федерация раҳбар органлари қарорлари ва топшириқларини ўз вақтида бажариш;
- кириш ва аъзолик бадалларини белгиланган тартиб ва миқдорда тўлаш;
- Федерация мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этиш.

4.9. Мазкур Устав ва қонун ҳужжатларига амал қилмаган Федерация аъзолари белгиланган тартибда аъзоликдан чиқарилиши мумкин.

4.10. Федерацияда фахрий аъзолар бўлиши мумкин. Федерация фахрий аъзоси Федерация ишида фаол иштирок этиб келган, Федерация фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган, мазкур уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни бажаришга ўз ҳиссасини қўшиб келган Федерациянинг доимий аъзолари бўлиши мумкин.

4.11. Фахрий аъзолар Федерация Ижро кўмитаси томонидан белгиланади. Федерациянинг фахрий аъзолари Федерация раҳбар органининг йиғилишларида иштирок этиши ҳамда аъзолик бадалларини тўлашдан озод қилиниши мумкин.

5. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ ВА ФЕДЕРАЦИЯ ТУЗИЛМАСИ

5.1. Федерация раҳбар органлари:

- Конференция;
- Ижро кўмитаси;
- Федерация президенти;
- Бош котиб.

Федерация фаолиятини назорат қилиш учун Назорат тафтиш комиссияси ташкил қилинади.

5.2. Федерациянинг олий раҳбар органи – Конференция ҳисобланади.

5.2.1. Конференция заруратга қараб, аммо 5 йилда камида бир маротаба ўтказилади. Конференция Федерация Ижро кўмитаси ёки Назорат тафтиш комиссиясининг ташаббуси билан чақирилиши мумкин. Конференция қарорлари очик (ёпик) овоз бериш йўли ва унда иштирок этган аъзоларнинг оддий кўпчилиги (51%) овози билан қабул қилинади. Конференция унда иштирок этиши белгиланган аъзоларнинг 2/3 қисми қатнашган ҳолда қонуний ҳисобланади. Конференция Ижро кўмитаси белгиланган квотага мувофиқ ҳудудий бўлимларида делегат қилиб сайланган аъзолардан иборат таркибда шакллантирилади. Ижро кўмитаси ёки Назорат тафтиш комиссияси



томонидан Конференция санаси, ўтказиш жойи ва кун тартиби олдиндан федерация аъзоларига маълум қилиниши керак.

5.2.2. Конференциянинг мутлоқ ваколатларига қуйидагилар киради:

– Федерация уставини қабул қилиш ва тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

– Федерация фаолияти устидан умумий назоратни олиб бориш;

– Федерация фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;

– Федерацияни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

– Федерация президенти, унинг ўринбосари, Ижро кўмитасини беш йил муддатга сайлаш;

– Федерация Назорат-тафтиш комиссияси раиси ва аъзоларини беш йил муддатга сайлаш;

– Федерация Бош котибинини 5-йил муддатга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

– Федерация президенти, Ижро кўмитаси ҳамда Назорат-тафтиш комиссияси ҳисоботларини эшитиш ва тасдиқлаш;

– Федерация фаолиятига тегишли бошқа муҳим масалаларни юзасидан қарорлар қабул қилиш.

5.2.3. Конференциялар оралиғида Федерация фаолиятидаги раҳбарликни Федерация Ижро кўмитаси амалга оширади.

5.3. Федерация Ижро кўмитаси ижро этувчи раҳбар орган ҳисобланади.

5.3.1. Ижро кўмитаси аъзолари Конференцияда 7 кишидан кам бўлмаган таркибда 5 йил муддатга сайланадилар. Федерация президенти бир вақтнинг ўзида Ижро кўмита раиси ҳисобланади.

5.3.2. Ижро кўмитаси йиғилишлари ҳар йилда камида икки мартаба ўтказилади, аммо заруратга қараб навбатдан ташқари йиғилишлар чақирилиши мумкин. Ижро кўмитаси қарорлари унда иштирок этган аъзоларнинг яримидан кўпи (51%) овози билан қабул қилинади. Ижро кўмитаси йиғилишлари Федерация президенти ёки унинг ўринбосари томонидан чақирилади.

5.3.3. Ижро кўмитаси ваколатларига қуйидагилар киради:

– Конференция қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

– Конференцияга тегишли масалаларни тайёрлаш ва киритиш;

– мазкур уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган ҳамкорлик дастурлари, тадбирлар режалари ва бошқаларни тасдиқлаш;

– Федерация фаолиятига тегишли комиссияларни шакллантириш ва уларнинг Низомларини тасдиқлаш;

– Федерация ва унинг бўлимлари мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;

– Федерациянинг ҳудудий бўлимлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

– Федерация ҳудудий бўлимлари ва тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш бўйича қарор қабул қилиш;



– Федерация худудий бўлимларининг ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг раҳбарларини тайинлаш;

- Федерациянинг штат жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;
- Федерацияда кириш ва аъзолик бадаллари миқдорини белгилаш;
- Жорий режаларни тасдиқлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;
- Навбатдаги ва навбатдан ташқари Конференцияларни чақириш;
- Навбатдаги ва навбатдан ташқари Конференциялар кун тартибини ҳамда делегатлар миқдорини белгилаш.

Ижро кўмитаси мазкур устав доирасида Федерация фаолияти билан боғлиқ, Конференциянинг ваколатига киритилмаган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

5.3.4. Федерация президенти мазкур устав, Конференция ва Ижро кўмита қарорларига суянган ҳолда тенг ҳуқуқлик ва ошқоралик принципларга асосланиб иш юритади.

Федерация президентининг ваколатлари:

- Федерация кундалик ишига умумий раҳбарлик қилиш;
- Федерация Ижро кўмитаси ишини ташкил қилиш;
- Федерация номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш ва Федерация номидан ишончномалар бериш;
- банк муассасаларида Федерациянинг ҳисоб рақамларини очиш, банк-молия ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш;
- Федерация аппарати ходимларининг ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда ходимларнинг вазифалар тақсимотини тасдиқлаш;
- шартномалар тузиш ва бошқа ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш;
- Ижро кўмитаси тасдиқлаган смета харажатлар доирасида Федерация ходимларини рағбатлантириш, рағбатлантириш миқдори ва тартибини белгилаш;
- федерация рамзи ва унинг Низомини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;
- раҳбар органнинг қарорларини назорат қилиш ва ижросини белгиланган муддатларда таъминлашдан иборат.

Федерация президенти амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Федерация Бош котиби ва Федерация аппарати ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш масалаларини ҳал этади, меҳнат шартномаларини имзолайди ва тегишли буйруқлар қабул қилади.

Конференцияда қабул қилинган қарорлар ижроси юзасидан кундалик иш юритади ва вазифалар назоратини олиб боради.

5.3.5. Федерация президенти бўлмаганда унинг вазифасини Бош котиби амалга оширади. Шунингдек, Федерация президенти ўз буйруғи асосида ўзининг ваколатлари ва мажбуриятларининг бир қисмини ёки барчасини Бош котибга юклаши мумкин.

5.4. Федерация бош котиби мазкур устав, Конференция ва Ижро кўмита қарорларига суянган ҳолда тенг ҳуқуқлик ва ошқоралик принципларга асосланиб иш юритади.

Бош котиб федерациянинг конференцияси томонидан 5-йилга тайинланади.

Федерация Бош котибининг ваколатлари:

- Федерация номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш ва федерация номидан ишончномалар бериш;
 - банк муассасаларида Федерациянинг ҳисоб рақамларини очиш, банк-молия ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш,
 - Федерация ашарати ходимларининг ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда ходимларнинг вазифалар тақсимотини тасдиқлаш;
 - шартномалар тузиш ва бошқа ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш;
- Федерация Бош қотиби амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Федерация ашарати ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш масалаларини ҳал этиш, меҳнат шартномаларини имзолаш ва тегишли буйруқлар қабул қилади.

Конференцияда қабул қилинган қарорлар ижроси юзасидан кундалик иш юритади ва вазифалар назоратини олиб боради.

5.5. Федерация Назорат-тафтиш комиссияси.

5.5.1. Федерация Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари Конференцияда иштирокчиларнинг кўпчилик овози билан 3 кишидан кам бўлмаган таркибда беш йиллик муддатга сайланади.

5.5.2. Назорат-тафтиш комиссияси Федерациянинг молия-хўжалик фаолияти устидан, Конференция ва Ижро қўмитаси қарорларининг ҳамда мазкур уставда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши устидан, Федерация молиявий фаолиятининг натижалари ҳисоби устидан умумий назоратни олиб боради.

5.5.3. Федерация молия-хўжалик фаолияти Назорат-тафтиш комиссияси томонидан 1 йилда камида бир маротаба тафтишдан ўтказилиши лозим.


5.5.4 Тафтиш жараёнида Назорат-тафтиш комиссиясига Федерациянинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган барча зарур ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим қилиниши шарт.

5.5.5. Назорат-тафтиш комиссияси тафтиш натижалари юзасидан ёзма маълумотларни бир ойдан кечиктирмай Ижро қўмитасига ҳамда умумлаштирилган ҳисоботларни Конференцияга тақдим этади.

5.5.6. Назорат-тафтиш комиссияси аъзоси бир вақтнинг ўзида Федерациянинг бошқа раҳбар органи аъзоси бўлиши мумкин эмас.

5.6. Федерация тузилмасини федерация ва унинг бўлимлари ташкил қилади.

Беш йилда камида бир маротаба Федерация Ижро қўмитаси ёки бўлимлар Ижро қўмитаси томонидан бўлимлар Конференцияси чақирилади. Бўлим конференцияси тегишли бўлим ҳудудида яшовчи аъзолар ёки аъзолардан сайланган делегатлардан иборат булади. Бўлимлар конференцияси бўлим ижро қўмитасини 5 йил муддатга сайлаш, федерация конференциясига делегатлар юбориш ва бошқа ўз низомида кўрсатилган ваколатларга эга бўлади. Бўлимлар Ижро қўмитаси бўлим иш режаларини тасдиқлаш, бўлим конференцияси чақириш ва бошқа ваколатларга эга бўлади. Бўлим раҳбари бўлим аъзосидан ҳаракат қилади ва бўлим номидан ишончномасиз иш юритади.



Федерация бўлимлари тегишли ҳудудда федерациянинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ўхшаш ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади. Федерация бўлимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бўлимларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби, бўлимларнинг раҳбар органлари бўйича қоидалар ва бўлимларнинг мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари батафсил равишда уларнинг низомида белгиланади.

5.6.1. Федерация олий раҳбар органи рўйхатга олувчи орган томонидан ҳам қақририлиши мумкин. Рўйхатга олувчи орган ёки Федерациядан бошқа орган томонидан олий раҳбар орган қақририлганда вакиллик нормаси ва сони муқаддам ўтказилган олий раҳбар орган йиғилишидаги тартибда бўлади.

Федерация раҳбари томонидан раҳбар меҳнат таътилидаги, вақтинча бетоблиги, хизмат сафаридалиги ёки бошқа сабабларга кўра ўз ваколатлари ва вазифасини вақтинча тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга юклаши мумкин.

Федерация раҳбари лавозимдан озод қилиниши, вафоти, ишдан четлаштирилганлиги муносабати билан ёки бошқа сабабларга кўра федерация коллегиял раҳбар органи конференция томонидан унинг вазифасини вақтинча бажарувчи тайинланиши мумкин.

6. МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

6.1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат тўғрисидаги қонунлар, шунингдек меҳнаткашларнинг ижтимоий таъминоти ва ижтимоий суғурта қилдириш тўғрисидаги қонунлар Федерация аппарати ва ҳудудий бўлимлари ходимларига нисбатан жорий этилади.

6.2. Федерация аппарати ва ҳудудий бўлимлари ходимларининг меҳнат муносабатлари ички меҳнат тартиб қоидаларида белгиланади.

7. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТИ

7.1. Федерация ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юртимизда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

7.2. Федерациянинг молиявий-хўжалик фаолияти амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида солиқ, молия ва бошқа давлат идоралари томонидан, шу жумладан, зарурат туғилганда аудиторлар томонидан текширилади.

7.3. Жамият ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан мустақилдир, қонунларда назарда тутилганидан бошқа ҳолларда уларга ҳисобот бермайди ҳамда уларнинг назорати остида бўлмайди.

8. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ ҲУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКНИ БОШҚАРИШ БОРАСИДАГИ ҲУҚУҚЛАРИ

8.1. Федерациянинг тузилмасига Федерациянинг аппарати, Федерациянинг бўлинмалари, ваколатхоналари ва филиаллари қиради.



8.2. Федерациянинг бўлинмалари, ваколатхоналари ва филиалларини ҳамда бошқа тузилмаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш ҳақидаги қарор Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинади.

8.3. Федерациянинг бўлинмаларини ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари, уларнинг раҳбар органлари бўйича батафсил қоидалар Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган бўлинмалар низомида белгиланади.

8.4. Федерация бўлинмалари ҳамда бошқа таркибий тузилмаларнинг мол-мулклари Федерация мулки ҳисобланади ҳамда улар Федерация мулки каби тасарруф қилинади.

9. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА БОШҚА МОЛ-МУЛКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

9.1. Бинолар, иншоотлар, турар жойлар, ускуналар, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк Федерациянинг мулки бўлиши мумкин.

Федерация кўчар ва кўчмас мулкларни сотиб олиши, ижарага олиши ёки бепул фойдаланиши, Ижро кўмитасининг қарорига асосан корхона, муассаса, ташкилот ва жисмоний шахсларга ихтиёридаги турли кўчар ёки кўчмас мулкни сотиши, ижарага бериши, вақтинчалик фойдаланиш учун бериши ёки қарзга бериши, белгиланган тартибда **Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига барча турдаги ссуда ва кредитларини олиши мумкин.**

9.2. Федерациянинг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

9.3. Федерация ўз мажбуриятлари юзасидан қонунларга **мувофиқ** ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

9.4. Федерация ва унинг бўлимларининг мулки ва молиявий маблағ билан таъминланиш манбаалари қуйидагилардан таркиб топади:

- кириш ва аъзолик бадаллари; Халқаро ва Осиё Америка футболли ва Флаг футболли Конфедерацияларидан ажратилган маблағлар;
- ихтиёрий мулкий бадаллар, ҳомийлик ва хайрия ёрдамлари, эҳсонлар;
- муассислардан, қатнашчилардан (аъзолардан) бир маротаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар;
- тадбиркорлик фаолиятидан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда);
- матбаа ва ноширлик фаолиятидан олинган даромадлар;
- маҳаллий ва чет эл ташкилотлари томонидан ажратиладиган грант, субсидия ва давлат буюртмалари кўринишида бўлиши ҳам мумкин;
- қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа тушумлар.

9.5. Федерациянинг ҳудудий бўлимлари банк муассасаларида ҳисоб рақамлар очиши мумкин.

Бўлимлар юридик шахс сифатида ташкил этилган тақдирда, мол-мулки ва алоҳида балансига эга бўлиши мумкин ва улар Федерация балансида ҳисобга олиниши лозим. Бўлимларнинг пул маблағлари ва мол-мулклари

Федерация Ижро қўмитасининг қарорисиз ҳисобдан чиқарилиши, сотилиши ёки бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас.

10. ФЕДЕРАЦИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ, ТЎХТАТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

10.1. Федерацияни қайта ташкил этиш Конференция қарорига биноан бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

10.2. Федерациянинг таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Федерациянинг ўзини давлат рўйхатидан ўтказган тартибда ва муддатларда давлат рўйхатидан ўтказилади.

10.3. Федерация фаолиятини тўхтатиш ёки уни тугатиш Конференциянинг қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

10.4. Федерациянинг Конференцияси ёки Федерацияни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган давлат рўйхатидан ўтказувчи адлия органи билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

10.5. Федерацияни тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

10.6. Кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк федерация қатнашчилари (аъзолари), шунингдек раҳбар органларнинг аъзолари ёки Федерациянинг ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас, ундан белгиланган устав мақсадлари йўлида ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда фойдаланилади.

11. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ, ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Федерация Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар Конференциянинг қарорига асосан қонунда белгиланган тартибда киритилади.

11.2. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг, Федерация қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда қайта давлат рўйхатидан ўтказилади.

11.3. Мазкур Уставда назарда тутилмаган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан тартибга солинади.

11.4. Устав қоидаларини Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас ҳамда устав қоидаларининг Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда ифода қилинган бандлари ҳақиқий эмасдир.

Ўзбекистон Америка
футболи ва флаг футбол
Федерацияси президенти



И.И.Мамажонов

Федерация футбола Узбекистана

10. ФЕДЕРАЦИЯ КАТА ТАНИҚИ ҚИЛИШ

10.1. Федерация катта таниқ эши Конфедерация карови бинон

10.2. Федерация таниқ таъсис хужжатлари шартларида шартларида

10.3. Федерация таниқ шартларида шартларида шартларида

10.4. Федерация таниқ шартларида шартларида шартларида

10.5. Федерация таниқ шартларида шартларида шартларида

10.6. Федерация таниқ шартларида шартларида шартларида



Handwritten signature: M. Mamonov

Handwritten signature: Anina Muz

11. УСТАВА ШАРТЛАРИ ВА ҚЎШИМАЛАР

11.1. Устав шартлари ва қўшимчалар

11.2. Устав шартлари ва қўшимчалар қирғиндан қирғиндан

11.3. Устав шартлари ва қўшимчалар қирғиндан қирғиндан

11.4. Устав шартлари ва қўшимчалар қирғиндан қирғиндан

М.В.Мамондов



Узбекистон Амриги
Футбол ва фидо футбол
Федерация президенти